

АМИР ТЕМУР ВА ИЛЁСХЎЖА ТЎҚНАШУВИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

О.Б. Нуримов

Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ

Тел: 99 140 31 74

Аннотация:

мазкур мақолада Амир Темур ва мўғул хони Туғлуқ Темурхон ўртасидаги муносабатлар, Темурнинг Илёсхўжага қарши кураши, унинг ҳарбий сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳамияти, Амир Темурнинг “Лой жанги”даги ҳарбий тактикаси таҳлил қилинади ва унинг оқилона сиёсати ҳақида фикр юритилади.

Аннотация:

в данном статье анализируются взаимоотношения Амира Темура и монгольского хана Туглук Темурхана, борьба Темура против Ильясхаджа, ее военное, политическое, социальное и экономическое значение, военная тактика Амира Темура в «Глиняной войне» и его мудрая политика.

Annatation:

This article analyzes the relationship between Amir Temur and the Mongol Khan Tughluk Temurkhan, Temur's struggle against Ilyasuji, its military, political, social and economic significance, Amir Temur's military tactics in the "Clay War" and his wise policy.

Калит сўзлар:

муғулларга қарши кураш, мустақиллик ғоялари, ватанпарварлик ҳаракатлари, Темурнинг курашлари, мамлакат яхлитлигини таъминлаш, Мовароуннахрнинг ҳарбий сиёсий аҳволи, Темурнинг ҳарбий жанг тактикаси.

Ключевые слова:

борьба против монголов, идеи независимости, патриотические движения, борьба Тимура, обеспечение целостности страны, военно-политическое положение Мовароуннахра, военная тактика Тимура.

Key words:

Struggle against the Mongols, ideas of independence, patriotic movements, Timur's struggle, ensuring the country's integrity, the military-political position of Movarounnahr, Timur's military tactics.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур мамлакат яхлитлигини таъминлаш ва мўғуллардан озод қилиш йўлида кўплаб курашлар олиб борган, буюк зафарларга эришган. Кўплаб тарихчилар қайд этганлари каби, Амир Темур дунёнинг ҳеч қачон мағлуб бўлмаган ҳукмдорларидан биридир. Баъзи тарихчилар Темур мўғул ҳукмдори Илёсхўжа билан бўлган “Лой жанги”да енгилганини қайд этадилар. Бироқ улар бу жанг бўлган вақтларда Темур ҳали ҳукмдор бўлмагани, катта тақибларга учраб, ўзи каби тазйиқ остида сочилиб юрган кичик ҳарбий гуруҳлардан иборат бир гуруҳга бек бўлгани, беклик даражасида туриб катта армияга қарши мардона курашганини унутиб қўядилар. Шунинг билан бирга олиб биз ушбу мақолада мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжа билан Темур ўртасида вужудга келган бу урушнинг ҳарбий ва сиёсий сабаблари ҳақида фикр юритишни мақул топдик.

Ўша вақтларда Мовароуннахр Чигатой улуси сифатида гарчи мўғул империясига бўйсунган бўлсада, бу ҳудудда ҳукмронлик қилган хонлар билан марказий ўрда хонлари қарашларида ҳамиша қарама-қаршиликлар чиқиб турган. Шунга кўра Олтин Ўрда Мовароуннахрга тез-тез қўшин тортар,

бу ердаги гўёки “айниган”, “исёнчи” хонларни алмаштириш баҳонасида ўлкани бутунлай таларди. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра Мовароуннахрга бундай юрушлар ҳар беш-ўн йилда мунтазам такрорланиб турган. 1360-йиллардаги Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннахрни “қайта бўйсундириш” учун қўшин тортиши ҳам шундай юрушлардан бири эди.

Туғлуқ Темурхон Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, Амир Темур, Амир Ҳожи Барлос ва Амир Боязид Жалоир номига ёрлиғ жўнатиб, ҳузурига келишларини талаб қилган эди. Аммо улар орасидан фақатгина Темур Туғлуқ Темурхон ҳузурига боришга аҳд қилди. Амир Темур ўзининг ақлу-заковати ва куч-қудрати билан Туғлуқ Темурхонни лол қолдира олди ва Дашти Қипчоқдаги амирларнинг исён кўтарганлиги ҳақидаги хабарни эшитган Туғлуқ Темурхон Темурнинг маслаҳатига биноан Жете тарафга йўл олди, Мовароуннахр бошқарувини эса Амир Темурга топшириб кетди, бироқ орадан кўп вақт ўтмай Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга иккинчи маротаба юриш қилиб, Мовароуннахр бошқарувини Қочувли баҳодир ҳамда Қобилхонларнинг аҳдномаси асосида ўғли Илёсхўжага топширди ва Амир Темурни унга сипоҳсолор (қўшин бошлиғи) этиб тайинлади. Қочувли баҳодир ҳамда Қобилхонларнинг аҳдномасида “хонлик Қобилхон авлодининг қўлида, сипоҳсолорлик эса Қочувли баҳодир болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин” деб таъкидланган эди[1]. Темурнинг олдида икки йўл турарди биринчиси аҳдномага амал қилиб Мовароуннахр бошқарувини Илёсхўжага топшириш, иккинчиси аҳдномани бузиб Туғлуқ Темурхонга қарши уруш эълон қилиш эди. Темур аҳдномага кўра ҳеч қандай қаршиликларсиз бошқарувни Илёсхўжага топширди. Темур иккинчи йўлни танлашига сабаб, у Туғлуқ Темурхонга қарши уруш эълон қила олмас эди, бунинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий сабаблари бор эди. Биринчидан, Мовароуннахр мустақил ва марказлашган давлат эмас эди. Иккинчидан, 1360-1362 йилларда Темурнинг лашкари Туғлуқ Темурхоннинг қўшинидан сон жиҳатдан анча кам бўлган. Учинчидан, Темур лашкарининг, гарчи у кам сонли бўлсада иқтисодий таъминоти узоқ вақт жанг қилиш учун етарли бўлмаган. Шу жиҳатларни инобатга олган Темур мураса ва тинчлик йўлини танлади ва бунинг замирида Темурнинг узоқ ўйланган режаси мавжуд эди, десак адашмаган бўламиз. Темур Туғлуқ Темурхон бошқарувни ўғли Илёсхўжага топширгандан сўнг ўзи Жетеге қайтиб кетишини билар эди ва мўғилларни Мовароуннахрдан қувиб чиқариш мақсадида Илёсхўжага сипоҳсолорлик қилиб барча ҳарбий-сиёсий муҳим маълумотларни ўрганиб чиқиш имкониятидан фойдаланишни афзал деб билди.

Темур сипоҳсолорлик даврида тартибли ва интизомли лашкарни шакллантира олган эди. Илёсхўжа тахтни йўқотиб қўйишдан кўрқиб Темурга доимий равишда хушёр ёндашган ва иложи борида уни сиёсий ва ҳарбий стратегик масалалардан узоқроқда ушлашга ҳаракат қилган. Бундан ташқари, у Темурга нисбатан мунтазам турли иғволарни ташкил этарди[2]. Ҳаёти хавф остида қолганлигини сезган Темур ўзининг 60 та жангчиси билан Амударё ортига кетишга мажбур бўлади. Мана шу кезларда Балх вилоятининг ҳокими Амир Ҳусайн ҳам Илёсхўжа таъқибига учрайди ва вазият тақозосига кўра Темур билан иттифоқ тузади. Амир Темурнинг қаерларда юрганини билиб қолган Хоразм ҳокими Тўкал Баҳодир Илёсхўжадан уни тўдаси билан қириб ташлаш ҳақида фармон олиши биланок мингта отлик жангчиси билан Амир Темурга ҳужум қилади. Лекин Амир Темур бу ҳужумни бартараф қилишга муваффақ бўлади. Илёсхўжанинг Хоразм ҳокими Тўкал Баҳодирга йўллаган Амир Темурни ўлдириш тўғрисидаги фармони Амир Темур ва Илёсхўжа ўртасидаги зиддиятнинг авж олишига сабаб бўлади. Мана шу тарзда муносабатлар аниқлашгач, Амир Темур Илёсхўжага қарши кураш олиб бориш мақсадида лашкар тўплай бошлади.

1365 йил 22 май Чирчиқ дарёси бўйида Амир Темур ҳамда Амир Ҳусайн иттифоқи ва Илёсхўжа ўртасида тарихда “Лой жанги” номи билан машҳур бўлган тўқнашув бўлиб ўтади. Жанг тўлиқ Илёсхўжанинг ғалабаси билан якунланди. Темурнинг кейинчалик жуда машҳур бўлган жанг тактикаси ўша вақтларда шакллана бошлаган эди. Унга кўра олдинда *хабарчилар*, улар орасидан *ясовул (чопарлар)* бўлинмаси, ундан кейинроқда *манглай-авангард* қисм борарди. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён-атрофида захира (резерв) қисмлар жойлашган бўлиб, у “*изофа*” деб юритиларди. Амир Темур қўшинининг асосий жанговор қисмлари *марказ, ўнг-баронгор* ва *чап-жавонгор* қанотларидан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида биттадан қўшимча кўриқчи *манглай-авангарди*, ён томонидан эса биттадан кўриқчи жангчи қўшилма-*қанбул* бўлар эди. Шу тариқа қўшин етти қисм-қўллардан иборат бўлган.

Амир Темур “Лой жанги”да тарихий жанг усулларида бўлмиш *тўлғам* тактикасидан фойдалангани сезилиб туради [3]. Режага мувофиқ Амир Темур кўшини душмани ўнг томондан, Амир Ҳусайн эса чап томондан айланиб ўтиб зарба беришлари керак эди. Амир Темур ўзининг етти минг нафар аскардан иборат кўшини билан ўнг тарафдан зарба бериб ғолибона ҳаракат қилиб турган бир паллада Амир Ҳусайн режага мувофиқ ҳаракат қилмайди ва жанг майдонини тарк этади. Шундан сўнг режа барбод бўлиб, Амир Темур жангдаги устунликни бой бера бошлаган ва чекинишга мажбур бўлган [4]. Савол туғилиши табиий нега Амир Ҳусайн жанг майдонини айна устунлик Амир Темур тарафига ўтаётган бир паллада тарк этди? Бу ҳақда билдирилган қатор мулоҳазалардан кўришимиз мумкинки, Чингиз авлодидан бўлмиш Қазағоннинг набираси Амир Ҳусайн мўғиллар мағлуб бўлишини ва ҳокимият Амир Темур бошқарувига ўтишини ҳохламаган. Темурнинг Мовароуннахрни мўғиллардан озод қилиш орзусининг ушалиши Амир Темурнинг ушбу жангда ғалаба қозониши билан узвий боғлиқ эди. Илёсхўжа ғалабадан сўнг бирин-кетин Шош (Тошкент)дан Самарқандгача бўлган шаҳарларни қайтадан бўсиндирди ва Самарқандга келиб катта қаршиликларга учради. Самарқандликлар Илёсхўжага қарши қўзғолон бошлади. Узоқ давом этган мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўтарилган бу халқ ҳаракати тарихда сарбадорлар ҳаракати номи билан шуҳрат топади. Самарқанд сарбадорларига муддарис Мавлонозода Самарқандий, хунарманд Абу Бакр Калавий ва мохир мерган Хурдакий Бухорийлар бошчилик қилдилар. Сарбадорлар Самарқанд шахрига дастлаб кириб келган мўғул илғорига қакшатқич зарба берадилар. Айна шу вақтларда ортдан келаётган асосий мўғул армиясининг отлари орасида ўлат тарқалади. Тарихчилар бу ҳодиса тахминан ҳозирги Булунғур тумани ҳудудларида юз берганини аниқлаганлар[5]. Чорасиз қолган Илёсхўжа аввал Самарқандни, сўнгра эса бутун Мовароуннахрни ташлаб Мўғулистонга қайтишга мажбур бўлади. Бу ҳодиса Амир Темурнинг тезда ўзини тиклаб олишига имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур воқеалар юз берган вақтларда:

биринчидан Мовароуннахр ҳарбий нуқтаи назардан ўта кучсиз, нисбатан ҳарбий салоҳиятга эга бўлган кучлар жуда тарқоқ аҳволда бўлган;

иккинчидан, мўғул ҳокимияти тинимсиз равишда амалга оширган босқинчилик сиёсати натижасида мамлакатдаги тарқоқ ҳарбий гуруҳларни бирлаштиришга қобилиятли шахсларнинг майдонга чиқиш имкониятлари чегараланган эди;

учинчидан, мўғул ноибларининг кескин чора кўришлари оқибатида мамлакатда қуролланиш даражаси ўта ғариб аҳволга тушиб қолган;

тўртинчидан, кенг масштабли ҳарбий ҳаракатларнинг имкони йўқ, чунки Жанубдан Шимолга қадар Евроосиё ерларида ўзаро қариндош мўғул ҳукмдорлари сиёсати ўрнатилганди;

бешинчидан, Мовароуннахрни босиб олишдан токи Амир Темур даврларигача бўлган вақт оралиғида мўғулларнинг бу ерда олиб борган қонли сиёсати оқибатида маҳаллий аҳолининг психологияси жуда тушкун ҳолатда бўлган ва бу мўғулларга қарши турган кучларни қўллаб-қувватлашга кескин ҳалақит берарди;

олтинчидан, сиёсий вазиятга кўра Мовароуннахр кучли армиялар ҳукмронлик қилувчи ҳудудлар марказида бўлиб, озодлик имкониятлари халқаро алоқалар асосида иқтисодий жонланишга имкон бермас эди.

Амир Темур кейинчалик ўз “Тузуқлар”ида бу масалаларни ҳал этиш учун кўплаб курашлар олиб борганига ишора қилиб ўтган. Шунга кўра унинг фаолиятини таҳлил қилган кўплаб олимлар Темурнинг буюк салтанат яратгандан кейин ҳам Турон давлатини марказий, ўрта ва чегара ҳудудларига бўлгани, сиёсатни ҳам шунга мувофиқ ташкил этганини қайд этадилар ва буларнинг барчаси Соҳибқирон нафақат жаҳонгир саркарда, балки буюк стратег ва сиёсатчи бўлганидан ҳам дарак беради.

Адабиётлар:

1. Ахмедов.Б. Темур Тузуқлари –Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент, 1996 й.
2. Марсель.Б. Менким Соҳибқирон-жаҳонгир Темур –Янги аср авлоди, 2014 й.
3. М.И.Иванин. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингисхане и Тамерлане –Янги аср авлоди Тошкент, 2018 й.

-
4. Ахмедов. Б. Амир Темур ўғитлари – “Ўзбекистон” Тошкент, 2007 й.
 5. Азимов. Э. Амир Темур Салтанати – Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент, 1996 й.